

# Имом Маҳдий ер юзини адолат ва инсофга тўлдиради



14:07 / 02 ноябрь 1330

Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу ҳақларида, айниқса, у кишининг охирзамонда чиқишлари борасида мусулмон уламолар орасида қадимдан кўпгина баҳслар ўтган, бу баҳсларнинг натижаси турлича бўлиб чиққан.

Шиа мазҳабидагилар Имом Маҳдийни «Маҳдий мунтазар», яъни интизор бўлиб турилган Маҳдий дейишади.

Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби уламолари бу масалада ўзаро алоҳида баҳс юритганлар. Баъзи уламолар «Бу борада келган барча ҳадислар заифдир», деганлар. Бундай деганлар озчилик бўлиб, уларнинг энг кўзга кўрингани Ибн Халдундир.

Кўпчилик уламолар «Маҳдий розияллоҳу анҳу ҳақидаги ҳадиси шарифлар катта саҳобалардан, улуф муҳаддислар томонидан ривоят қилинган», дейдилар. Бу ҳақдаги ҳадиси шарифларни Имом Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Тобароний, Абу Яъло, Баззоз, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Ҳоким ва бошқалар ривоят қилганлар.

Юқорида ана шу ҳадиси шарифлардан бир қисмини ўрганиб чиқдик. Уларнинг баъзиларида имом Маҳдий розияллоҳу анҳунинг исмлари очиқ-ойдин тилга олинган бўлса, бошқаларида ишора қилинган. Уларни солиштириб кўрадиган бўлсак, бир неча умумий хулосалар чиқаришимиз

мумкин:

1. Охирзамон бўлганда Пайғамбар алайҳиссаломнинг оли байтларидан, ҳазрати Алий ва Биби Фотима розияллоҳу анҳумоларнинг ўғиллари Имом Ҳасан розияллоҳу анҳунинг наслидан Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу чиқадилар.
2. Имом Маҳдий розияллоҳу анҳунинг чиқишлари қуйидагича бўлади: бир халифа вафот этгач, мусулмонлар ўртасида ихтилоф бўлади. Мадинадан бир киши Маккага қочиб чиқади. Унинг олдига Маккадан одамлар келиб, ўзи истамаса ҳам уни чиқариб, Рукн билан Мақом ўртасида унга байъат қиладилар. Ана ўша киши Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу бўладилар.
3. Шомдан Имом Маҳдий розияллоҳу анҳуга қарши аскар юборилади. Ушбу юборилган аскарларни Макка билан Мадина ўртасидаги сайхонликда ер ютади.
4. Одамларни ер ютганини кўриб, имом Маҳдий розияллоҳу анҳунинг олдига Шомнинг абдоллари – авлиёлари ва аҳли Ироқнинг яхшилари келиб, унга байъат қиладилар.
5. Сўнгра Қурайшдан тоғаси Бану Калблик бўлган киши чиқади. Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу унга қарши аскар юбориб, уларга ёғлиб келади. Кейин Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу молни тақсим қилади.
6. Сўнгра Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу одамлар орасида Набийлари соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатига амал қилади. Ер юзида Ислом қарор топади. Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу жабр-зулмга тўлган ер юзини адолат ва инсофга тўлдиради.
7. Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу молни сочади, уни санамайди. У кишининг даврларида мол-мулк кўпайиб кетгани, ўзлари сахий бўлганликлари учун шундоқ бўлади.
8. Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу етти йил халифа бўладилар. Сўнг у киши вафот этадилар, мусулмонлар у зотнинг жанозасини ўқийдилар.

**«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан**